



Эшитарманки, кун (офтоб) кўб гўзал... Нахр бўйинда, сувнинг устида узайиб осилган гулларнинг кўруниши кўб латиф эмиш... Нозик-нозик сайраган кушларнинг ...хавойи кўш канотларининг учушинда кўрулатургон нимарсалардан эмиш!.. Эшитарманки, кечалари кўк юзинда ёшурунгон ёруклар кўрунар эмиш... Мавж ва гирдобларидек хазин бўлган денгиз ичинда ок чотирлик кемалар оқиб кетарлар эмиш!... Эшитарманки, гулларнинг ранглари ислариндан, сулувлиқда яна зиёда эмиш. Даралар... Тоглар... Майдонлар... Сувлар, бешалар, хусусан, тонг замонлари у кадар латиф... у кадар тотли эмишларки, бу кадар буюклик ва эҳтишомга қарши инсон хайратиндан саждага кетармиш. Лекин, ман ана ул гулдурлагани эшитилатургон денгизни... на у ранглик гулларни... на кўк юзини... на кунни... на бешаларни... на у яхши меваларни... на кушларни... на ойдинликни... кўролмаслигимдан таассуф этмайман. Хайр, Оллоҳим! Хайр! Шу фоний оламнинг яхшилигиндан ҳеч бирини орзу этмайман, магар... Хайхот!... Онажонимни кўрсайдим!

Мухаррири: француз кизи Соррун (?)

Мутаржими: Риҳоизода марҳум Махмуд Акрам*.

Усмонличадан таъдил этгани: Махмудхўжа.

«Ойна» ж., 1914 й., 27-сон, 505-бет.

* Риҳоизода Акрам (1847—1914) — машҳур турк адиби.

